

## **ИСТЕЬМОЛЧИ ЭСЛАТМАСИ: БАНККА КЕЛАЁТГАНДА НИМАНИ БИЛИШ МУХИМ!**

### **Ҳар доим имзо чекаётган хужжатингизни ўқинг!**

Кредит олиш, омонат очиш ёки банк картасини расмийлаштириш, шунингдек, бошқа банк хизматлари ва маҳсулотлардан фойдаланиш фақат шартнома асосида амалга оширилиши мумкин. Банк билан тузилган шартномани имзолаш - уни амалга ошириш масъулияти ҳисобланади!

#### **Сиз қуидаги ҳуқуқларга эгасиз:**

- Банк ходимидан шартнома нусхасини олиш;
- Шартномани дикқат билан ўрганиш, уни имзолашдан олдин ўзингиз билан олиб кетиб, оила аъзолари ва/ёки мутахассис билан маслаҳатлашиш;
- Агар банк томонидан шартнома шартларига бир томонлама ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилган бўлса, шартномани имзоламаслик.

**Эсда тутинг!** Банк кредитлар ва депозитларнинг фоиз ставкалари бўйича шартларни, комиссия миқдори ва тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатларини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Банк билан шартнома тузилгандан сўнг, Сизда сақланиши учун шартноманинг иккинчи нусхаси тақдим этилиши шарт.

Шартномада тушунарсиз бандлар бўлса, юзага келган саволлар юзасидан, банк ходимларидан маслаҳат олиш мумкин.

**Мухим!** Тижорат банкларининг веб-сайтида, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни кузатиб боринг, улар кучга киришидан камида 10 кун олдин эълон қилиниши керак.

## **Омонатлар - хавфсиз ва фойдали!**

Омонат - бу маблағингизни сақлаш, тўплаш ва кўпайтириш имкониятидир.

Омонат исталган пайтда қайтариб олиниши мумкин, лекин фоизлар қўлдан бой берилади. Омонат муддати тугагандан сўнг, жами пулларни фоизлар билан олишингиз мумкин.

Омонат бўйича кўрсатилган фоиз, қоида тариқасида, йиллик тўлов асосида ҳисобланишини англатади. Бир ойда кунлар сонига қараб, ҳисобланган фоизлар ўзгариши ва турли давр учун фарқ қилиши мумкин.

Банк ходими билан омонат учун сизга бутун давр мобайнида ёки алохидаги учун неча фоиз кўчирилиши, муддатидан олдин омонатни олган тақдирда қандай йўқотишлиар бўлиши мумкинлиги ҳақида маслаҳатлашинг.

### **Банк омонатлари тўлиқ ҳажмда суғурта қилинади.**

Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг омонатларини қабул қилувчи барча банклар "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси" Реестрига киритилган.

**Эсада тутинг! Банк банкрот бўлган тақдирда жамғарма омонатнинг миқдори ва валютасидан қатъи назар, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўланишини кафолатлади.**

**Даромадингизни кузатиб боринг:** банклар шахсий хабарлар ёки мобил иловалар орқали ўтказилган фоизлар ҳақида маълумот бериш хизматларини тақдим этадилар.

## **Кредитни - банкка қайтариб тўлаш керак!**

**Кредит истеъмолчи учун муаммонинг ажойиб ечими ёки бош оғриғи бўлиши мумкин.**

**Тавсия қиласиз! Ўзингизнинг молиявий имкониятингизни ортиқча баҳоламанг.**

*Фақат иши ҳақи/стипендия/пенсия эмас, балки кутимаган вазиятларни ҳам ҳисобга олинг. Оддий ва муҳим қоида мавжуд: agar сиз қарз олишига қарор қилсангиз, ойлик кредит тўловлари жами суммаси ойлик даромадингизнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.*

Бундан ташқари, фоиз тўловлари билан бир қаторда, кредитни олиш ва ундан фойдаланишининг бошқа ҳаражатлари ҳам қўшилиши мумкинлигини тушуниш керак.

### **Кредитнинг умумий қиймати**

- бу қарз олувчининг кредитни расмийлаштириш, техник хизмат кўрсатиш ва қайтариш учун барча ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича жами (йиллик фоизлар ва пул миқдоридаги) тўловларнинг умумий суммаси ҳисобланади.

**Эътибор қаратинг! Кредитнинг тўлиқ қиймати кредит шартномасида кўрсатилиши керак.**

**Эсда тутинг! Кредит бўйича шартнома тузилгандан сўнг, кредит маблағлари ўтказмаси амалга оширилмасидан олдин, хеч қандай тўловларсиз кредитни олишдан воз кечиш ҳуқуқига эгасиз.**

**Агар кредитни эртароқ ёпишга қарор қабул қилсангиз ...**

Сиз санкция ва жарималарсиз кредитни тўлиқ ёки қисман тўлаш ҳуқуқига эгасиз.

**Муҳим! Кредит шартномаси тузилаётганда, кредит (лизинг) ни жарима санкциялари ундиримаган ҳолда исталган вақтда муддатидан олдин қайтариш юзасидан банд киритилишини кўрсатинг.**

**Агар сиз аллақачон кредит олган бўлсангиз, қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:**

**1-қоида.** Сиз шартномада белгиланган жадвалга мувофиқ кредитни тўлашингиз шарт. Муддатли тўловлар билан кечикишлар жарима ҳисобланишига олиб келади ва Сизнинг кредит тарихингизга таъсир қиласиз.

**2-қоида.** Қарз ҳолатини назорат қилинг. Бу саволга жавобни телефон, расмий веб-сайтдаги шахсий кабинет орқали, шунингдек, хизмат кўрсатувчи банкнинг мобил иловасидан топиш мумкин. Йилига бир марта банк билан кредит қарздорлигини солишириш тавсия этилади.

**3-қоида.** Банкдан алоқа маълумотларини яширмаслик, янгиланган алоқа маълумотларини эса банкка маълум қилиш керак - қонунга кўра, бу қарздорнинг бурчидир. Намунали банк Сиз тўловларни кечиктирмаслигингиз ва яхши кредит тарихини сақлаб қолишингизга ёрдам бериш мақсадида, ўз вақтида тўлов ва муддати ўтган тўловлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида огоҳлантириб туришга ҳаракат қиласди.

## **Ижобий кредит тарихи - сизнинг молиявий обрўингиз!**

Кредит тарихи - барча кредит мажбуриятларини қандай бажарганингиз ва амалга оширганингиз ҳақидаги маълумот ҳисобланади. У Сиз олган барча кредитлар ва қарзлар ҳақида маълумотни ва уларни қандай сўндираётганингизни ўз ичига олади.

Сизнинг кредит тарихингиз биринчи кредитни, шу жумладан, банк картаси хизматларининг айрим пакетларида кўзда тутилган овердрафтни расмийлаштиришингиз биланоқ пайдо бўлади.

### **Яхши кредит тарихини шакллантириш**

Яхши кредит тарихига эга бўлиш учун Сиз ўз вақтида тўлаб боришингиз ва кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлашингиз керак.

**Эсада тулинг!** Сиз КАТМ (Кредит ахборот-таҳлил маркази) кредит бюросида сабабларни кўрсатмаган ҳолда **йилига бир марта бепул** ва исталганча ҳақ эвазига кредит тарихи тўғрисидаги ҳисботни олишингиз мумкин. Алоқа рақами: **+99895 195 99 02**.

**Эътибор қаратинг!** Келажакда салбий кредит тарихига эга бўлсангиз, ҳар қандай кредит ташкилоти сизга кредит беришдан воз кечишига ҳақли.

Кредит тарихи "кредит скоринг" шаклида тақдим этилади.

Кредит скоринги - Сизнинг кредит тўлай олиш қобилияtingизни баҳолаш бали ҳисобланади. Скоринг балига муддати ўтган тўловлар ва қарзларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, даромадлар, шунингдек, ёш, оилавий аҳвол, фаолият доираси ва бошқа шахсий омиллар ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Потенциал қарз олувчининг якуний баҳоси 0 дан 500 гача бўлган оралиқда ҳисобланади. "КАТМ скоринг" ҳисоблаш маълумот манбаларига 180 дан ортиқ кредит ташкилотлари, шу жумладан барча банклар, микроクредит ташкилотлари, ломбардлар, шунингдек, лизинг компаниялари ва чакана савдо нуқталари киради.

Скоринг балингизни ошириш учун кредит тарихини кузатиб бориш, тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажариш ва имкон қадар паст қарз юкига эга бўлишингиз керак.

## **Сизнинг хуқуқларингизни бузиляптими? Қандай қилиб тўғри "жим турмаслик" керак**

*Агар сиз банк фаолиятидан норози бўлсангиз - бу ҳақда хабар беринг!  
Маълумот банк фаолиятини яхшилашга ёрдам беради!*

Сиз оғзаки, ёзма ва электрон шаклда мурожаат юборишингиз мумкин.

**Муҳим!** Аноним мурожаатлар; ҳужжатларсиз, вакиллар орқали берилган мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

### **Банкка қандай мурожаат йўллаш керак?**

1. Сиз И.Ф.Ш., яшаш жойи ҳақидаги маълумотни кўрсатишингиз ва мурожаатнинг моҳиятини тушунтиришингиз керак.

2. Туҳмат, ҳақорат ва ёлғон хабар берувчи мурожаатларни юбориш таъқиқланади.

3. Шунингдек, мурожаатни қуйидагилар асосида кўриб чиқишдан бош тортиси мумкинлигини эслатиб ўтмоқчимиз:

- мурожаат мазмунининг нотўғрилиги (беадаб, ҳақоратли ифодалар, таҳдидлар ва х.к.);
- мурожаат матнида тушунарсиз қисқартмалар ёки реклама материаллари мавжуд, уларда аниқ ариза, шикоят ёки таклифлар йўқлиги;
- тижорат таклифларини юбориш, турли тадбирларга таклифномалар, семинарлар ва банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа маълумотларни тақдим этиш.

4. Шунингдек, агар мурожаатда янги далил ёки ҳолатлар кўрсатилмаган бўлса, **банк сайтида бир неча бор жавоб берилган** саволни ўз ичига олган мижознинг мурожаати кўриб чиқилмайди.

### **Мурожаатларни кўриб чиқиша сиз қуйидаги хуқуқларга эгасиз:**

- мурожаатингизни кўриб чиқиши жараёни ҳақида маълумот олиш;
- шахсан далилларни тақдим этиш ва тушунтириб бериш;
- текшириш материаллари ва кўриб чиқиши натижалари билан танишиш;
- қўшимча материалларни тақдим этиш;
- адвокат ёрдамидан фойдаланиш;
- аризани ёзма ёки электрон шаклда топшириш орқали қарор қабул қилинишидан олдин ва уни кўриб чиқиши вақтида ўз мурожаатингизни қайтариб олиш;

— мурожаатни юқори турувчи органга ёки бевосита судга қабул қилиш ва кўриб чиқиши ноқонуний рад этиш устидан шикоят қилиш.

**Мурожаатларни кўриб чиқишида банк қуидаги ҳуқуқларга эга:**

- мурожаатни кўриб чиқиши учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;
- агар сиз йўқлигингизда мурожаатни кўриб чиқиши имкони бўлмаса, сизни чақириш;
- била туриб ёлғон маълумотни ўз ичига олган мурожаатни текшириш муносабати билан юзага келган ҳаражатларни ундириш учун судга мурожаат қилиш.

**Эътибор қаратинг! Ёлғон маълумотни ўз ичига олган мурожаат юборилганда, банк кўриб чиқиши жараёнида ётказилган ҳаражатларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.**

**Жавобни кутиш учун қанча вақт кетади?**

Ариза рўйхатдан ўтказилган кундан бошлиб **15 кун ичида** кўриб чиқилади.

Баъзан мурожаатни қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса **1 ойгача бўлган** муддатда кўриб чиқилади.